

**Жиноятчиликка қарши курашнинг самарадорлигини таъминлашда
мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятининг аҳамияти**

Бурибеков Бобур Абдуғаффор ўғли,

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
марказий девони катта офицери**

Аннотация: Ушбу тезисда жиноятчиликка қарши курашнинг самарадорлигини таъминлашда мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятининг аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: мувофиқлаштирувчи кенгаш, ҳукуқбузарлик профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳукуқни муҳофаза қилиш органи, мувофиқлаштириш.

Прокуратура органларига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсундирилган прокурорлар орқали қонунлар ижроси устидан назорат функциясидан ташқари, бир вақтнинг ўзида ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси ҳам юклатилган.

Прокурорлар статистик ҳисоботлардан содир этилган ҳукуқбузарликлар, жиноятлар, уларнинг характеристи, жиноятларнинг келиб чиқиши ва шарт-шароитлари, жиноятларнинг юзага келиш сабаблари, кимлар томонидан содир этилганлиги, кимларга нисбатан содир этилганлиги, воқеа содир этилган жой, унинг хусусиятлари ва воқеа тафсилотлари, вақт, жиноят содир этиш услуби, жиноят қуролининг тури, шакли, хусусиятлари ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотлар мажмуасидан олинган таҳлилий хulosаларга асосланган ҳолда жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда тегишли режа тузиш ва тадбирларни амалга оширишда фойдаланадилар.

Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчиликка қарши кураш чораларини самарали бажариш ва асосий фаолият йўналишларини ўзаро келишув асосида таъминлаш мақсадида ўз фаолиятини мувофиқлаштиради.

Мувофиқлаштиришнинг асосий мақсади жиноятга қарши курашувчи структуранинг ўзаро боғлиқ ҳолда ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлаш,

жиноятларни тез, тўла, ҳар томонлама аниқлаш, тергов олиб бориш, очиш ҳамда ваколатли органлар томонидан унинг юзага келиш сабаб ва шароитларини олдини олишга қаратилган чоралар амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

Предмети бўлиб эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлигини енгиллаштириш, уларнинг умумий вазифалари, ҳар бирига хос бўлган алоҳида ҳуқуқий, ташкилий, информацион ва бошқа восита, шакл ва услубларни таҳлил қилиш ҳисобланади.

Координация натижаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида юқори самарадорликка ва кўзланган мақсадларга эришиш ҳисобланади.

Қонунчилигимизга мувофиқ мазкур ваколатлар айнан Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорларгагина тегишли эканлиги белгилаб қўйилган.

Бу борада Бош прокурор ва прокурорлар (худудийлик тамойили асосида) мувофиқлаштирувчи кенгаш чақирадилар, статистик ва бошқа маълумотларни талаб қилиб оладилар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ўргангандан уларни бирлаштириш масаласини кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида¹ “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш” тартиби белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидириув фаолиятни, терговга кадар текширувни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш чақиради, ишчи гуруҳлар ташкил этади, зарур ахборот, шу жумладан статистика маълумотларини талаб қилиб олади, қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

¹ Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. (янги таҳрири) 2001 йил 29 август, 257-II-сон. Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг ягона мувофиқлаштирувчи органидир”.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш – барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларидан ташкил топади ва у бўлажак мажлисда тасдиқланади. Котибият таркибининг ўзгариши билан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбари янги номзод тақдим этади. Котибият жорий ташкилий ишларни амалга оширади, иш юритишнинг маҳфийлиги қоидаларига амал қилган ҳолда мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳужжатларининг расмийлаштирилишини олиб боради².

Агар ҳужжатлар лойиҳалари материалларни тайёрлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг барча ёки баъзи вакилларининг биргаликдаги иштирокини талаб қилса, мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси ёки унинг ўринbosарлари қарори билан ишчи гурухлар ташкил этилади. Бундай гурух раҳбари этиб, тегишли прокуратура органининг вакили белгиланади.

Конунчиликда жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган тушунчаси тўғридан-тўғри белгиланмаган. Назария ва амалиётда тегишли давлат-ҳуқуқий структуралари фаолиятининг функционал таҳлили асосида бундай органлар доирасини белгилашнинг усули ишлаб чиқилган. Ушбу таҳлилларга асосланган ҳолда жиноятчиликка қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар доирасига фаолиятининг бош йўналиши жиноятчиликка қарши курашга йўналтирилган, бир ёки бир қанча ҳуқуқларни ҳимоя қилинишини таъминлаши белгиланган функцияларни бажариш ваколатига эга бўлган тузилмаларни киритиш мумкин.

Жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилишга йўналтирилган функцияларга қўйидагилар киради:

- тезкор-қидирав фаолияти;
- жиноят ишлари бўйича суриштирув;
- дастлабки тергов;

² О.М. Мадалиев. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. Тошкент давлат Юридик институти. Тошкент 2009. б-215.

жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув фаолиятида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор ва суд назорати, жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг айни мана шу йўналишларда амалга оширган ишларини таҳлил қила олиши ҳамда ушбу таҳлилнинг реал вазиятга яқинлиги даражасидан келиб чиқсан ҳолда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чораларни белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим бўлади.

Мазкур фаолият натижадорлиги ва сифатини баҳолашга таъсир кўрсатувчи кўплаб омилларнинг мавжудлиги ҳамда қабул қилинган қарорнинг реализацияси маълум вақт талаб этгани боис нисбатан мураккаб жараён ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, мувофиқлаштириш бу мураккаб жараёнларни ўзаро бир бирига боғлиқлигини таъминлайдиган яхлит бир тизимни ўзида мужассам этган фаолият бўлиб, айнан мувофиқлаштирувчи кенгаш мазкур фаолиятнинг марказий элементидир.